Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 231 (8971). • 1986 йил 6 декабрь • шанба • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 4 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстона визити якунларини кўриб чиқиб, тўла-тўкис маъқуллади.

Совет Иттифоқидан борган меҳмонни Ҳиндистон халқи ва ҳукумати ниҳоятда самимий кутиб олганлиги қайд этиб ўтилди. Бош министр Ражив Ганди билан олиб борилган музокаралар чоғида ҳозирги замоннинг энг катта проблемалари, ядро уруши хавфини бартараф этиш, ҳар томонлама Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигини такомиллаштириш ишида икки буюк тинчликсевар давлатнинг баҳамжиҳат ҳаракати масалалари чуқур анализ қилинди. Ҳар иккала мамлакат 1971 йилги Совет — Ҳиндистон шартномасига содиқ эканлиги тасдиқланди. Шу шартномани изчиллик билан амалга ошириш турли ижтимоий тузумдаги икки давлатнинг тинч-тотув яшаши, уларнинг ўзлари учун ва умуман халқаро муносабатлар учун эзгу аҳамиятга эга эканлигини ишонарли тарзда намоён этмоқда. Деҳлида олий даражада ўтказилган Совет — Ҳиндистон учрашуви асосий халқаро масалалар юзасидан иккала мамлакатнинг қарашлари яқин эканлигини яна бир бор кўрсатди. Бу учрашув Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ҳамкорлигини икки томонлама ишларда ҳам, шунингдек халқаро ишларда ҳам сифат жиҳатдан янги марраларга олиб чиқди.

(Давоми иккинчи бетда).



Тошкент. 1986 йил 5 декабрь. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси.

В. МОЛГАЧЕВ ва Л. ГУСЕИНОВ фотоси.

## КПСС Марказий Комитетида учрашув

3 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев иттифоқдош республикалар саҳна санъати етакчи усталари бир группаси, театр ташкилотлари вакиллари билан учрашди. Янги шароитларда театр иши, театр союзини ташкил этиш, барча ижодий ташкилотлар фаолиятини янада активлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

М. С. Горбачев партия XXVII съезди ўртага қўйган мамлакатимизни ҳозирги даврда ривожлантириш вазифаларига тўхталиб, қайта қуришнинг мазмуни ҳар бир киши ва умуман бутун жамият имкониятини рўёбга чиқаришдан иборат, деди. Гап ишнинг ташқи томони, уни «пардозлаш» тўғрисида эмас, балки революцион ўзгартишлар ҳақида бормоқда. Биз инсон тўла куч билан ҳаракат қилиши, социалистик тарзда ҳаракат қилиши учун иқтисодий, сиёсий, идеологик, маънавий заминларни вужудга келтириш тўғрисидаги ленинча фикрни рўёбга чиқариш учун барча ишларни қилишимиз керак. Дейиш мумкинки, биз ҳозирнинг ўзидаёқ ер ҳайдаб, уни юмшатиб, уруғ сепа бошладик. Сўнгра ана шу уруғ униб чиқиб, ҳосил беради. Бу, албатта, вақт ва куч-ғайрат талаб қилади. Бироқ бу иш шунчалик зарур, шунчалик олижаноб ишки, унда қатнашаётган ҳар бир киши ўзини ҳаётда омади келган, деб ҳисоблаши мумкин.

Совет жамиятида яшаб турган ҳар бир кишида барча энг яхши фазилатларни рўёбга чиқариш — бу жуда катта инсонпарварлик иши, социализмнинг вазифаси ана шунда, деди сўнгра М. С. Горбачев. Бу борада адабиёт, санъат, ижодкор зиёлиларимизнинг меҳнати жуда катта роль ўйнайди. Биз зиёлиларнинг жиддий мададидан баҳраманд бўлаяпмиз ва маънавий янгиланиш учун, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш учун кураш бораётган ҳозирги пайтда улардан умидимиз каттадир.

Социалистик принциплар тўла тантана қилиши учун мамлакатда бутун турмушни бундан буён ҳам демократлаштириш, бу жараёнга бутун халқни жалб этиш зарур, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Бироқ бунда демократия бу ҳамма нарсага эрк бериш эмас, балки халқнинг ўзини-ўзи бошқариши эканлигини унутмаслик керак. Бизда демократлаштириш мамлакатни мустаҳкамлаш, унга жўшқинлик бахш этиш учун, сиёсатда ва амалий фаолиятда нуқсонларга йўл қўймаслик учун зарурдир. Демократияни дадил авж олдириш керак. Демократия ошкоралик билан баб-баравар бўлиб, у ҳам ленинча принципдир.

Қайта қуриш ҳозирги пайтда театрни ҳам қамраб олди. Театр қандай бўлиши керак, уни қай тариқа такомиллаштириш лозимлиги тўғрисида мунозаралар бормоқда. Ҳамма нарсанинг бирданига уддасидан чиқиб бўлмайди, синаб кўриш, текшириш лозим. Сизларнинг театр союзингиз тузилганлиги ана шу жараённинг нишоналаридан биридир. Бу ташкилот жамоатчилик асосида кўп нарсаларни ўз зиммасига олиши, давлат маданият органлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш механизмини ишлаб чиқиши керак.

Ўйлайманки, ҳозир изланишлар учун яхши пайтдир, деб давом этди М. С. Горбачев. Ҳамма соҳада амалий ечимларни излаб топиш керак. Аммо шуни айтишим керакки, умумий ғамхўрлик ва ташвиш билан йўғрилган танқид аслида бунёдкорликдир. Бир хиллик, қолоқлик, бепарволик, «кўрсатмаларга биноан» ишлаш одати — бу биз учун хатарли душмандир. Фикрлашни қайта қуриш энг асосий қийинчилик. Бу иш ҳамиша ва ҳамма жойда осон кетяпти, деб бўлмайди. Аммо кенг кўламда, дадил ва изчил ҳаракат қилиб, ҳар бир кишини жамиятимизни ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга жалб қилиш керак.

М. С. Горбачев сўнгра партия бундан буён ҳам актив социал сиёсат ўтказиб, маънавий соҳадаги иш формалари ва методларини янгилашга кўмаклашиш ниятида эканлигини айтди. Ижодий ташкилотлар фаолиятининг якунларига турмушимизда содир бўлаётган реал жараёнлар очиб берилган истеъдод билан яратилган янги асарларга қараб баҳо бериш зарур. М. С. Горбачевнинг нутқида КПСС ва Совет давлатининг халқаро фаолияти масалаларига катта ўрин берилди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, СССР Театр жамиятлари союзи ташкилот комитетининг раиси К. Ю. Лавров, М. А. Ульянов, Н. Н. Еременко, О. М. Мамбетов, Б. Р. Қориева, О. Н. Ефремов, Г. А. Товстоногов, В. А. Андреев сўзга чиқдилар. Улар ҳозирги шароитда совет санъатининг аҳамияти ўсиб бораётганлиги тўғрисида, мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида, мамлакат маънавий бойлигини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун ҳар бир санъаткорнинг юксак гражданлик масъулияти тўғрисида гапирдилар.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири Ю. П. Воронов қатнашдилар.

(ТАСС).

## Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида
## ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

5 декабрь куни Тошкентда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси очилди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советнинг биринчи мажлиси бошланди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар **И. Б. Усмонхўжаев, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин,** Олий Совет Президиумининг, республика ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўлдилар

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **П. Хабибуллаев** очди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутатлар М. Е. Красильников, А. Тиллабоев, Н. А. Козимов хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Олий Совет Мандат комиссиясининг раиси депутат **Т. Қ. Жўраеванинг** Ўзбекистон ССР Олий Совети учинчи сессиясидан кейин ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш ҳақидаги докладини тинглади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети: Тошкент шаҳар 13-Пушкин сайлов округидан сайланган депутат **Н. И. Емельянов;** Тошкент шаҳар 58-Дўмбробод сайлов округидан сайланган депутат **Б. В. Ефремов;** Тошкент область 61-Қурилиш сайлов округидан сайланган депутат **А. Абдувосиқов;** Тошкент область 68-Пролетар сайлов округидан сайланган депутат **П. С. Мақсудов;** Тошкент область 75-Оққўрғон сайлов округидан сайланган депутат **Х. Холбоев;** Тошкент область 88-Солдатск сайлов округидан сайланган депутат **К. Х. Холмирзаев;** Тошкент область 94-Янгибозор сайлов округидан сайланган депутат **Г. А. Стефановский;** Тошкент область 106-Тўйтепа сайлов округидан сайланган депутат **Т. К. Ўролова;** Тошкент область 111-Олмазор сайлов округидан сайланган депутат **В. Г. Гришчук;** Андижон область 137-Пойтуғ сайлов округидан сайланган депутат **А. Г. Руденко;** Бухоро область 180-Улфатбиби сайлов округидан сайланган депутат **Х. Жумаева;** Жиззах область 201-Зомин сайлов округидан сайланган депутат **Ҳ. Алимова;** Навоий область 246-Саноат сайлов округидан сайланган депутат **И. К. Бўриев;** Навоий область 253-Навбаҳор сайлов округидан сайланган депутат **В. В. Сударенков;** Навоий область 262-Учқудуқ сайлов округидан сайланган депутат **Н. И. Кучерский;** Самарқанд область 306-Карл Маркс сайлов округидан сайланган депутат **В. М. Камолов;** Самарқанд область 309-Завод сайлов округидан сайланган депутат **Х. Н. Тожиев;** Самарқанд область 327-Каттақўрғон қишлоқ сайлов округидан сайланган депутат **Ў. Р. Умарбеков;** Самарқанд область 340-Чархин сайлов округидан сайланган депутат **Н. Ш. Жуманов;** Самарқанд область 344-Тойлоқ сайлов округидан сайланган депутат **Ш. Х. Намозова;** Самарқанд область 350-Жом сайлов округидан сайланган депутат **В. Ю. Зорин;** Сурхондарё область 358-Оққўрғон сайлов округидан сайланган депутат **З. А. Ботиров;** Сирдарё область 390-Крестьянск сайлов округидан сайланган депутат **Д. А. Мелибоева;** Сирдарё область 393-Ленинград сайлов округидан сайланган депутат **Қ. Синдоров;** Хоразм область 467-Юқорибоғ сайлов округидан сайланган депутат **У. Худойберганова;** Қорақалпоғистон АССР 487-Беруний сайлов округидан сайланган депутат **Й. И. Матисаев;** Қорақалпоғистон АССР 504-Хўжайли сайлов округидан сайланган депутат **Ж. Давлетов**ларнинг ваколатларини тўғри деб топишга қарор қилди.

Сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси тўғрисида.
2. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида.
3. Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат бюджети ижроси ҳақида.
4. «Меҳнат коллективлари ва корхоналарни, муассасаларни, ташкилотларни бошқаришда уларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги СССР Қонуни Ўзбекистон ССРда қандай бажарилаётганлиги ҳақида.
5. Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотининг асосий йўналишлари муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг халқ маорифи тўғрисидаги Қонунига ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.
6. Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг составига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.
7. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Сўнгра депутатлар кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишга ўтдилар.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев** сўзга чиқди. У О. У. Салимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод этишни илтимос қилиб, ариза берганлигини маълум қилди.

Олий Совет О. У. Салимовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри бўлиб ишлаётган депутат **Р. Н. Нишонов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайлашни таклиф қилди.

Олий Совет депутат **Р. Н. Нишонов**ни бир овоздан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайлади. Р. Н. Нишоновни Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри вазифасидан озод этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Тошкентда бўлган вақтида республика меҳнаткашлари олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш масалаларига батафсил тўхталди.

Олий Совет кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалаларни муҳокама қилишга киришди.

«Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **И. А. Каримов** доклад қилди.

«Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида» Ўзбекистон ССР молия министри депутат **Й. И. Маматисаев** доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **Ш. Ҳожимуротов** План-бюджет ва бошқа доимий комиссиялар номидан план ва бюджет тўғрисидаги масалалар юзасидан қўшимча доклад қилди.

Шундан кейин Олий Совет докладларни ва қўшимча докладни муҳокама қилишга ўтди. Музокараларда **Ш. Р. Мирсаидов** (15-Луначарский сайлов округи), **Г. П. Стешенко** (371-Шўрчи сайлов округи), **П. Нўъмонов** (208-Темир йўл сайлов округи), **О. Г. Айдаков** (78-Телов сайлов округи), **Л. А. Васильева** (305-Акмал Икромов сайлов округи), **Б. А. Алламуродов** (352-Қуйиқишлоқ сайлов округи), **Р. Н. Валиева** (258-Бўстон сайлов округи), **У. К. Исмоилов** (459-Урганч сайлов округи), **А. И. Балакин** (507-Чимбой шаҳар сайлов округи), **Ж. Ҳасанов** (157-Булоқбоши сайлов округи), **Э. Турсунов** (216-Оқтош сайлов округи), **С. А. Иброҳимов** (229-Муборак сайлов округи), **И. И. Лутфуллаев** (191-Жданов сайлов округи), **М. Т. Ҳотамова** (290-Жийдакапа сайлов округи),

(Давоми иккинчи бетда).

## ТЕАТР ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

5 декабрь куни Москвада, Катта Кремль саройида СССР Театр жамиятлари союзининг таъсис съезди очилди.

М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, С. Л. Соколов, Н. В. Талызин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев, И. В. Капитонов ўртоқларни делегатлар ва меҳмонлар қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумда театр санъатининг таниқли арбоблари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг намояндалари ҳам бор эдилар. Чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

«Революцион ўзгартишлар даврида театр ва жамият» мавзуида СССР Театр жамиятлари союзи ташкилот комитетининг раиси СССР халқ артисти К. Ю. Лавров доклад қилди. Съезд қувончли ва файзли даврда, халқ ташаббуси жонланаётган пайтда, кўпдан-кўп амалий қарорлар қабул этилаётган пайтда ўтмоқда, деб уқтирди у. Партия бутун халқни ҳамма соҳаларда ўз тарихий тараққиётининг янги поғонасига кўтарилишга даъват этди, театрни эса турли ижтимоий структураларнинг пишиқ-пухталиги синаб кўриладиган, замондошимизнинг маънавий хислатлари ўрганиладиган, замондошимизга ўтмишга ҳурмат билан қараш туйғуси сингдириладиган ва келажакка назар ташлаш имконияти бериладиган ўзига хос бир лаборатория, дейиш мумкин.

Музокараларда сўзга чиққан кишилар миллий театр маданиятларимиз нақадар кўп қиррали ва хилма-хил бўлмасин, мамлакатнинг умумий шитобли ривожланишидан четда қола олмайдиган театрнинг энг муҳим муаммоларини Умумиттифоқ миқёсида, биргаликда ҳал этиш зарурлиги равшан кўриниб турганлигини таъкидладилар.

Съезд 6 декабрда ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 4 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Республика давлат ҳокимияти олий органи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги таклифлар, План-бюджет ҳамда бошқа доимий комиссиялар 1987 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш Давлат планини, 1986 йилги план қандай бажарилаётганлигини, Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджетини ва 1985 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тартибда кўриб чиқиш якунлари муҳокама этилиб маъқулланди. Ушбу масалаларни сессиянинг муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советларининг ер тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан контроллик соҳасидаги иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Республикада қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги тадбирлар амалга оширилаётганлиги қайд этиб ўтилди.

(Давоми иккинчи бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАРТИЯ ГРУППАСИДА

1986 йил 5 декабрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети партия группасининг мажлиси бўлди. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети тўртинчи сессияси муҳокамасига киритиладиган масалалар кўриб чиқилди..

Ўзбекистон ССР Олий Совети Саноат комиссиясининг раиси КПСС аъзоси ўртоқ А. С. Воековнинг ҳисоботи тингланди. Партия группаси ўртоқ А. С. Воеков ҳамда у бошчилик қилаётган комиссия саноат корхоналарининг иқтисодий ва хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган муайян ишларни бажараётганлигини таъкидлади. Комиссияга республика иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга таъсирини кучайтириш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети партия группасининг 1987 йил иш плани тасдиқланди.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
## Рафиқ Нишонович НИШОНОВ



1926 йилда туғилган, ўзбек, 1949 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли. Тошкент педагогика институтини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини битирган, тарих фанлари кандидати.

Меҳнат фаолиятини 1942 йилда Бўстонлиқ районидаги «Чирчиқ» колхозида ҳисобчилик қилишдан бошлаган, сўнгра комсомол ишига кўтарилган — Бўстонлиқ район комсомол комитетининг иккинчи секретари этиб сайланган, Совет Армияси сафида хизмат қилган. 1951 йилдан 1970 йилгача совет ва партия ишларида: Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг инструктори, бўлим мудири, биринчи секретари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлади. Р. Н. Нишонов 1963 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари этиб сайланди, 1970 йилдан дипломатия ишида бўлди. 1985 йил март ойидан Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри бўлиб ишлади.

Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатидир.

Икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва СССР медаллари билан мукофотланган.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### ДЕПУТАТ Р. Н. НИШОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Рафиқ Нишонович Нишонов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. РОМАНОВСКИЙ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1986 йил 5 декабрь.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

(Боши биринчи бетда).

Ядро қуролидан ҳоли ва зўравонликдан ҳалос дунёнинг принциплари тўғрисидаги Деҳли Декларацияси — ядро-космик асрининг шароитларига мос бўлиб тушадиган янгича сиёсий фикрлаш ҳужжатидир. Унда таърифланган принциплар ва ғоялар бутун жаҳон ҳамжамиятининг манфаатларини, барча халқларнинг орзу-умидларини ифода этиб, инсониятнинг тинч истиқболини назарда тутади. СССР ва Ҳиндистон, кўпгина бошқа давлатлар ана шу принцип ва ғояларни ҳозирдаёқ конкрет ташқи сиёсат практикасида амалга оширмоқдалар. М. С. Горбачевнинг Р. Ганди билан музокаралари Осиё қитъасида ва бошқа районларда сиёсий иқлимни соғломлаштиришдан умумий манфаатдорликни, можароли вазиятларни бартараф этиш, давлатлараро муносабатларни нормаллаштириш йўлларини қидириб топишга, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга тайёргарликни тасдиқлади. Ана шу мақсадлар сари босқичма-босқич, икки томонлама ҳамда кўп томонлама асосда ишонч ва амалий ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш йўли билан ҳаракат қилиб бориш мумкин бўлур эди.

Визитнинг бутун муҳити икки раҳбар ўртасидаги музокаралар ва айниқса, мулоқотнинг характери, визит якунида қабул қилинган ҳужжатлар турли социал системаларга мансуб икки катта давлат ўртасида таркиб топаётган муносабатларнинг ноёб тусда эканлигидан, уларнинг ҳамкорлиги ўз халқларининг манфаатлари ҳамда ялпи тараққиёт ва тинчлик манфаатлари йўлида ғоят катта аҳамиятга молик бўлиб, кенг истиқболларга эга эканлигидан далолат бермоқда.

Кенгайтирилган қарор қабул қилиниб, унда министрлик ва идораларга ўзларининг Ҳиндистондаги шериклари билан ҳамкорликда иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда эришилган аҳдномалар ва битимларни бажаришга дарҳол киришиш, ҳозирги талабларни ҳисобга олиб ташаббускорлик ва ижодкорлик билан ҳаракат қилиш топширилади.

Ишлаб чиқаришда, айниқса халқ хўжалиги тармоқларида мураккаб техника воситаларидан фойдаланиш чоғида хавфсизликни таъминлаш учун масъулиятни ошириш, интизом, уюшқоқликни кучайтириш ишида партия ва давлат кадрларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Сиёсий бюро бу соҳадаги мавжуд камчиликларни қайд этиб ўтиб, партия комитетларига ишлаб чиқаришдаги травматизм ва аварияли ҳолатларнинг олдини олиш билан боғлиқ ишларга эътиборни кучайтиришни, партия ва ҳукуматнинг ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ қарорларини сўзсиз бажариш устидан партиявий контроллик таъсирчанлигини оширишни таклиф этди. Шу мақсадда меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишни қатъиян яхшилаш, хизмат бурчини адо этиш чоғида ҳар қандай интизомсизлик ва масъулиятсизлик фактларига кескин эътибор бериш, бу муҳим ишда принципиал йўлни ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачев ва Н. И. Рижков ўртоқларнинг Нидерландия Бош министри Р. Любберс билан ўтказган суҳбатлари ҳамда Совет-Нидерландия музокараларининг якунлари тўғрисидаги ахборотни тинглади. Бунда музокаралар Совет Иттифоқи билан Нидерландия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга янги омил бағишланганлиги қайд этиб ўтилди ҳамда Европа ва бутун дунё хавфсизлигига оид энг муҳим проблемаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топиш мақсадида Ғарбий Европа мамлакатлари билан мулоқотни янада ривожлантиришга тайёрлик изҳор қилинди.

Сиёсий бюро совет раҳбарларининг Бенин Халқ Революцияси партияси Марказий Комитетининг Раиси, Бенин Халқ Республикаси Президенти М. Кереку билан олиб борган музокараларининг якунларини кўриб чиқиб, халқаро вазиятни соғломлаштириш йўллари тўғрисида, шу жумладан қуролсизланиш билан иқтисодий ривожланиш бир-бири билан бевосита боғлиқлиги ҳақида иккала мамлакат раҳбарларининг фикрлари муштарак эканини қайд этиб ўтди. Совет Иттифоқининг Бенин Халқ Республикаси билан ва прогрессив ривожланиш йўлини танлаб олган, озодликка чиққан бошқа давлатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган принципиал йўли тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ўртоқ И. В. Капитонов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясининг Румыния Социалистик Республикасига қилган дўстона визити тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди, шунингдек партия XXVII съезди белгилаган иқтисодий сиёсатни амалга оширишга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва аҳолининг таъминотини яхшилашга, қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга оид бошқа баъзи масалалар муҳокама қилинди.

## СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### ЎРТОҚ Т. А. АЛИМОВНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Тимур Аъзамович **Алимов Халқлар Дўстлиги** ордени билан мукофотлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1986 йил 4 декабрь.

## «КОСМОС—1804»

**1986 йил 4 декабрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-1804» учирилди.**

**Координациялаш- ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.**

**(ТАСС).**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### ДЕПУТАТ О. У. САЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Оқил Умурзоқович Салимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари**
**А. РОМАНОВСКИЙ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри.
1986 йил 5 декабрь.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### ДЕПУТАТ Р. Н. НИШОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Рафиқ Нишонович Нишонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари**
**А. РОМАНОВСКИЙ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1986 йил 5 декабрь.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

(Боши биринчи бетда).

**С. Салаева** (464-Қўшкўпир сайлов округи), **К. Й. Охунбобоев** (428-Охунбобоев сайлов округи), **Н. Нарзуллаев** (182-Сармижон сайлов округи), **М. Мирзаев** (109-Киров сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлардан **М. А. Азларова ва Л. А. Ҳасановалар** Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига, бу министрлик республика пойабзал фабрикаларида технология интизомини бузиш ҳолларига чек қўйиш ва уларда ишлаб чиқарилаётган пойабзал сифатини кескин яхшилаш мақсадида қандай чоралар кўрмоқчи? — деган депутатлик сўрови билан мурожаат этдилар. Депутатлар депутатлик сўровини сессия кун тартибига киритишга бир овоздан қарор қилдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **И. А. Каримов** Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР молия министри депутат **Й. И. Маматисаев** Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1985 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

Олий Совет План-бюджет ва бошқа доимий комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани тўғрисидаги Қонунни, шунингдек Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни ва Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги қарорни ҳам бир овоздан қабул қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

(Боши биринчи бетда).

Шу билан бирга министрликлар ва идоралар, уларнинг структуравий бўлинмалари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари бу соҳадаги ўз ишларини секинлик билан қайта қурмоқдалар, ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни ҳамма жойда қўпол равишда бузиш каби кенг тарқалган ҳолга кўникиб қолишган. Ирригация-мелиорация қурилиши сифатининг пастлиги, алмашлаб экиш структураларининг бузилиши ерга катта зиён етказмоқда. Ерларни экин экишга яроқли ҳолга келтириш ишлари тўла ҳажмда ўтказилмаяпти. Ерларни хўжалик ички қурилишига, томорқа участкаларига ажратиб беришнинг Қонунда белгиланган тартиби бузилмоқда, корхоналар ва ташкилотларнинг, шунингдек айрим гражданларнинг ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳоллари давом этмоқда. Аммо маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари ер тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини суст контроллик қилмоқдалар, жамоат ерларининг талон-торож қилиниши ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши фактларига принципиал баҳо бермаяптилар.

Президиум Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари, республика Давлат агросаноат комитети, Ўрмон хўжалиги министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, «Главсредазирсовхозстрой» зиммасига ер тўғрисидаги Қонунларни бузишдан иборат ҳар бир фактни текшириб кўриш ва камчиликларни бартараф этиш, ер тўғрисидаги қонунларнинг талаблари сўзсиз бажарилиши учун мансабдор шахсларга нисбатан талабчанликни ошириш мажбуриятини юклади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва эрозияга қарши ишларга оид топшириқларнинг тўла ҳажмда амалга оширилишига алоҳида эътибор бериш, ердан фойдаланишда тартиб ўрнатиш зарур деб топилди. Молия органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, республика Марказий статистика бошқармаси ва Госстройига тегишли топшириқлар берилди.

Президиум халқ депутатлари Сирдарё область Совети ижроия комитетининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида совет органларининг фаолиятини қайта қуриш борасидаги ишини муҳокама қилди. Область ижроия комитети ишлаб чиқилган тадбирлар асосида советларнинг фаолиятини демократлаштириш, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, аҳолининг жамоатчилик фаолиятини кучайтириш тадбирларини кўраётганлиги, областнинг комплекс иқтисодий ва социал ривожланишини таъминлашнинг янги самарали формаларини излаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга халқ депутатлари область Совети иқтисодий ва ижтимоий турмушда туб сифат ўзгартишларини амалга ошириш учун КПСС XXVII съездидан кейин очилган барча имкониятлардан фойдаланмаётганлиги, партиянинг йўл-йўриқларини амалий ҳаракатлар изига секинлик билан ўтказаётганлиги таъкидланди.

Ижроия органлари билан фармойиш берувчи органларнинг кўпчилиги бир қолипдаги, эскириб қолган иш методларидан воз кечганлари йўқ. Планлаштириш, қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш практикасида зарур ўзгаришлар рўй бергани йўқ, ана шу қарорларда кўпинча ишларнинг аҳволи чуқур таҳлил этилмайди, камчиликларни бартараф этиш йўллари кўрсатилмайди. Қуйи бўғин Советларининг, аҳоли жамоатчилик органларининг ҳуқуқларини камситиш фактлари оз эмас, депутатларнинг сўровлари практикаси, сайловчиларнинг наказлари, гражданларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифлари билан ишлаш такомиллаштирилмаяпти. Совет ва хўжалик органларининг талайгина қисми қоғозбозлик, жузъий, иккинчи даражали масалаларни ҳал этиш билан ўралашиб қолиб, социал соҳанинг, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, ишлаб чиқаришни планлаштириш, бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштиришнинг энг муҳим проблемаларини эътибордан четда қолдирмоқдалар.

Президиум халқ депутатлари область Совети зиммасига Совет органларининг иш услуби ва методларини такомиллаштириш, қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет чораларни амалга ошириш, областни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг юксак суръатларини таъминлаш вазифасини юклади. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига, халқ депутатлари область Советларининг ижроия комитетларига ўз қарамоғидаги органларнинг фаолияти қандай қайта қурилаётганлигини муҳокама этиш, партиянинг программавий йўл-йўриқларини сўзсиз бажариш юзасидан амалий чоралар кўриш топширилди.

Мажлисда республика давлат ҳаётига оид бошқа масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

# ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1987 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА

## *Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат И. А. КАРИМОВ доклади*

Депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги планини сизларнинг муҳокамангизга тақдим этади. Партия XXVII съездининг ва КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг программавий йўл-йўриқларига биноан план ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уни интенсивлашнинг барча мавжуд резервлари ва имкониятларини ишга солиш асосида республика халқ хўжалигининг янги сифат ҳолатига эришиш, аҳолининг фаровонлигини янада юксалтириш мақсадини кўзлайди.

Партиямиз ишлаб чиққан социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, хўжалик, маънавий ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ҳар томонлама қайта қуриш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролини тақиқлаш ва йўқ қилиб ташлаш сиёсатини совет халқи тўла равишда тушуниб, якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Қайта қуриш руҳи бизнинг республикамизда ҳам равшан сезилиб турибди. Йилнинг дастлабки якунлари халқ хўжалигини ривожлантиришдаги жўшқинлик ўсганлигидан дарак беради. Саноат ишлаб чиқариши суръатлари ўсди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш кўпайди, фойда олиш топшириқлари бажарилмоқда.

Ялпи ижтимоий маҳсулот бу йил пландаги 5 процент ўрнига 5,2 процент, миллий даромад эса йиллик пландаги 5,1 процент ўрнига 5,4 процент кўпаяди. Саноат маҳсулоти пландаги 4,8 процент ўрнига тахминан 6 процент кўпайиши кутилмоқда. Кўмир, газ, нефть қазиб олиш, электр энергия ҳосил қилиш, машинасозлик, химия, бинокорлик материаллари, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва маҳаллий саноат маҳсулотларининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш юзасидан планда белгиланган топшириқлар ошириб бажарилади.

Қишлоқ меҳнатчилари сабзавот, картошка ва узумни ўтган йилга нисбатан кўпроқ етиштирдилар, умумиттифоқ фондига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришни кўпайтирдилар. Чорвачилик маҳсулдорлиги оша бошлади, сут ва тухум етиштириш ортди.

Капитал қурилиш суръатлари бирмунча ўсди, уй-жой, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари ва социал соҳаларнинг бошқа объектларини қуриб, ишга тушириш кўпайди. Иш ҳақи ошмоқда, ҳақ олиб аҳолига кўрсатиладиган хизмат ҳажми кенгайди ва турлари кўпайди. Чакана товар обороти бажарилмоқда (спиртли ичимликларни сотишдан ташқари), товар оборотининг ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 7,6 процент ортади. Вино-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилишни кескин қисқартириш йўли изчиллик билан ўтказилмоқда: 1984 йилга нисбатан бу йил вино-арақ маҳсулотлари реализация қилиш икки баравардан ҳам камайди.

Жамоат транспорти, алоқа воситалари, халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари янада ривож топди.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор заводи, «Подъёмник» заводи, Самарқанд лифтсозлик, Наманган «Электротерм», «Чирчиксельмаш» заводлари ва бошқа кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқдалар. Фарғона, Тошкент, Сурхондарё ва Наманган областлари, Бувайда, Бағдод, Фрунзе, Ленинград, Чиноз, Ўрта Чирчиқ районлари ва ҳаммаси бўлиб 50 дан кўп районнинг деҳқонлари пахта етиштириш ва харид қилиш планларини бажардилар. Ўнлаб колхоз ва совхозлар сут, сабзавот, бошқа маҳсулотлар харид қилиш йиллик планларини муддатидан олдин бажардилар. Умуман республикада қоракўл тери, пилла ва картошка тайёрлаш йиллик планлари ошириб бажарилди.

Бироқ мана шу ижобий силжишларнинг ҳаммаси бизни асло қаноатлантира олмайди. Биз якунларни баҳолар эканмиз, ҳозирги беш йиллик — алоҳида беш йиллик эканлигига асосланамиз. Бу беш йиллик бутун халқ хўжалигида туб ўзгартишларга пойдевор қўйиши, социал-иқтисодий тараққиётнинг ҳамма соҳаларида бурилиш ясаши керак. Партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг қарорлари, партиямиз Марказий Комитетининг мамлакат меҳнаткашларига Мурожаатномаси бизни айни шундай қилишга ундайди.

Беш йилликнинг биринчи йили натижаларини шу юксак талаблар позицияларида туриб баҳолайдиган бўлсак — биз бундан бошқача ёндашишга ҳаққимиз йўқ, — у ҳолда экономикани ривожлантиришда муносиб бурилишга, чинакам жадалликка ҳали эриша олмаганимизни тўғридан-тўғри тан олиш керак. Биз бир қатор нохуш тенденцияларни ўзгартиришга, ўсишнинг кўпгина резервлари ва имкониятларини ҳаракатга келтиришга ҳали ҳам муваффақ бўла олганимиз йўқ.

Бунда гап аввало вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш тўғрисида бормоқда. Ўтган йилларда бўлганидек, корхоналарнинг 10 процентидан кўпроғи саноат маҳсулотини реализация қилиш топшириқларини уддаламаяпти. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Енгил саноат министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги системасида қолоқ коллективлар айниқса кўп. «Андижанкабель», «Электродвигатель», Жиззах аккумулятор заводи, «Ташавтоматика» заводи ва иттифоқ қарамоғидаги бошқа бир қанча корхоналар ишлаб чиқариш программасини узлуксиз бажармай келмоқдалар.

Республикадаги ҳар уч корхонанинг бири ой сайин ёндош касб эгаларини ва истеъмолчиларни ранжитмоқда, айниқса Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Давлат агросаноат комитети, Енгил ва Маҳаллий саноат министрликлари системасида корхоналар маҳсулотнинг керакли хиллари ва турларини анчагина миқдорда етказиб бермаяпти. Енгил саноат министрлигида ҳаддан ташқари оғир аҳвол вужудга келди, бу ердаги корхоналарнинг ярмидан кўпроғи шартнома интизомини бузмоқда, маҳсулот турларини янгилаш ва сифатини яхшилаш учун узил-кесил чоралар кўрмаяпти.

Бу йил электр двигателлар, босимли темир-бетон қувурлар, ғовакли тўлдиргичлар, сирланган пўлат ва алюминий идишлар, ип газламалар ва бошқа баъзи турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ойлик планлари бирон марта ҳам бажарилмади, умуман олганда эса 225 хил энг муҳим маҳсулот турларининг қарийб учдан бири юзасидан белгиланган ишлаб чиқариш планларини бажариш таъминланмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида йил қониқарсиз якунланмоқда. Пахта тайёрлаш ўтган йилга нисбатан 400 минг тонна камайди. Дон, мева ва полиз маҳсулотлари 1985 йилга нисбатан камроқ харид қилинди. Давлат йўли билан гўшт, сут ва тухум тайёрлаш планлари кўнгилдагидек бажарилмаётганлиги, ем-хашак ғамлаш плани барбод бўлаётганлиги қаттиқ ташвиш туғдирмоқда. Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах ва бошқа бир қанча областларнинг хўжаликлари қишлоқ хўжалик йилини қониқарсиз кўрсаткичлар билан тугалламоқдалар.

Капитал қурилишдаги ишларни тубдан яхшилаш таъминланмади. Аввало СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, Медицина микробиология саноати министрлиги, Электротехника саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, Саноат паррандачилиги давлат комитети, Балиқ хўжалиги давлат комитети, маҳаллий саноатнинг ишга тушириладиган объектларида иш ёмон ташкил этилганлиги сабабли асосий фондларни ишга тушириш плани барбод бўлмоқда. Уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар ва поликлиникалар, бошқа социал-маданий-маиший объектларни ишга тушириш жуда орқада қолишига йўл қўйилди.

Транспорт соҳасида ишни яхшилашнинг фойдаланилмаётган катта резервлари бор. Қорхона ва ташкилотларнинг шохобча йўлларида темир йўл вагонлари нормативдан ортиқча ҳали ҳам кўп вақт бекор туриб қолмоқда, юк ташиш паркининг унумдорлиги ва обороти суст оширилмоқда. Автомобиль транспортида юк ташиш планлари бажарилмаяпти, унинг ишидаги техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар паст. Пассажир ташиш деярли ҳамма жойда ёмон ташкил этилганлиги хусусида меҳнаткашлар ҳақли равишда шикоят қилмоқдалар.

Савдо ва маиший хизмат корхоналари, алоқа, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ишида ҳали ҳам катта камчилик ва нуқсонлар бор.

Ўтган даврда биз ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг энг муҳим соҳаларида, маҳсулот сифатини яхшилашда, фан ва техника ютуқларини, илғор технологияни жорий этишда туб силжишларга эриша олмаганимизни тан олиш керак. Халқ хўжалигининг бир қанча соҳалари ва тармоқларида планлар узлуксиз бажарилмай, орқада қолинаётганлиги — пахтачилик ва чорвачилик, капитал қурилиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда бундай камчиликлар айниқса кўплиги — яқин ўтмишдаги оқибатларнинг таъсири: айрим раҳбарларнинг иқтисодий ва социал тараққиётни бошқаришга янгича замонавий ёндашувларни ўзлаштириб олиш ўқуви йўқлиги, баъзан эса бундай қилишни хоҳламаслиги, меҳнат коллективларига бошчилик қилиш ва уларни сафарбар этиш қобилиятининг йўқлиги, ўзларига ишониб топширилган участкада чинакам қайта қуришни таъминлай олмаслиги сингари иллатлар давом этиб келаётганлигининг натижасидир.

Йил охиригача саноқли кунлар қолди. Йилнинг асосий якунлари, унинг ижобий ва салбий томонлари кўп жиҳатдан кўриниб қолган ҳозирги пайтда барча меҳнат коллективларини, ресурслар ва имкониятларни йўл қўйилган қолоқликни имкони борича тўлдиришга, қайта қуришга халақит бераётган ҳақиқий сабаблар ва жараёнларни аниқлаб, йўқ қилиб ташлашга сафарбар қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Экономиканинг қандай ривожланаётганлиги танқидий таҳлил этилиб, республика олдида бундан буён турган вазифаларнинг мазмуни ва йўналиши аниқлаб олингач, беш йилликнинг иккинчи йили плани лойиҳасига асос бўладиган конкрет ҳаракат программаси белгиланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси 1987 йилги план лойиҳасини кўриб чиқиб, уни асосан маъқуллади ва амалда рўёбга чиқаришнинг конкрет йўналишларини белгилади.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги плани ўзига хос белгиси шундан иборатки, у ўтган йилларда бўлганидек, эришилган даражага қараб ишлаб чиқилгани йўқ, балки беш йиллик планнинг тасдиқланган топшириқларига биноан ва ўсишнинг илк негизи бўлмиш бу йилги планга таяниб, биринчи марта ишлаб чиқилди. Бундай ёндашиш принципиал аҳамиятга эгадир, чунки у жадаллаштиришнинг барча ички резервлари ва имкониятларини жалб этиш учун ижрочиларга, меҳнат коллективларига шарт-шароит яратиб беради, чунки бунда келгуси йилларда планлаштириш негизи ошиб кетишидан ҳеч ким чўчимайди.

Мамлакат ва республика раҳбар органларининг халқ хўжалиги тармоқларини планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш юзасидан экономикани интенсивлаш изига ўтказиш, бутун ишнинг социал йўналишини кучайтириш, бошқарувни, планлаштиришни ва хўжалик механизмини тубдан ислоҳ қилиш мақсадини кўзлаб қабул этган қарорлари бу планга асос қилиб олинганлиги бу планнинг ўзига хос муҳим хусусиятидир. Келгуси йилда саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат янги шароитларда ишлайди. Капитал қурилишдаги хўжалик механизмини такомиллаштириш иши бошланди.

1987 йилнинг бошидан эътиборан барча саноат корхоналари, шунингдек носаноат министрликларининг ишлаб чиқариш бўлинмалари, ҳаммаси бўлиб 2 мингтадан кўпроқ корхона хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтказилади. Нефть саноати министрлиги, Нефть химияси саноати министрлиги, Приборсозлик министрлиги, Автомобиль саноати министрлигининг бир қанча корхоналари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг тадқиқот ва конструкторлик бўлинмалари тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтадилар. Узоқ муддатли иқтисодий нормативларни жорий қилиш, шартномавий мажбуриятлар ва ишлаб чиқариш топшириқларининг кварталлар ва ойлар бўйича бир текис ва аниқ бажарилишини, барча объектларнинг норматив муддатларда қурилишини, ишлаб чиқариш қувватларининг иш билан максимал даражада таъминланишини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Халқ хўжалиги тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш юзасидан партия билан ҳукумат ишлаб чиққан тадбирларни планли равишда амалга ошириш иқтисодий механизмни қайта қуриш соҳасида қилинадиган бутун ишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади.

Халқ хўжалик пропорцияларига ва унинг ҳамма бўлимлари мутаносиб бўлишига эътибор кучайтирилганлиги, самарадорлик кўрсаткичлари пухта ўйлаб, белгилаб қўйилганлиги 1987 йилги планнинг ўзига хос хусусиятлари жумласига киради. Шу тариқа зарур даражада тиғиз қилиб тузилган план топшириқларининг реаллигини таъминлаш ва республика халқ хўжалигини ўн иккинчи беш йилликда кўзда тутилган ўртача йиллик ўсиш суръатлари даражасига чиқариб олиш мумкин бўлди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аввало барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини ўстириш билан ва интенсив омилларнинг ролини кучайтириш билан таъминланади. Бу эса миллий даромаднинг ялпи маҳсулотга нисбатан илдамроқ ўсишида ўз ифодасини топди: **ҳосил қилинган миллий даромадни** бир йил мобайнида 6,2 процент кўпайтириб, 24,3 миллиард сўмликка етказиш планлаштирилмоқда, **ялпи ижтимоий маҳсулот** эса 5,1 процент ортиб, 52 миллиард сўмликни ташкил қилади.

Бу марраларга эришиш учун меҳнат унумдорлигини янада ўстириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Саноатда меҳнат унумдорлиги 3,5 процент, қурилишда 2,4 ва қишлоқ хўжалигида 3,2 процент ортади.

Иқтисодий тежашни кучайтириш, материал-хом ашё ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш кўзда тутилган. Ишлаб чиқилган конкрет ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилиши ресурсларни тежайдиган технологияни ўзлаштириш, саноатдаги материал сарфини 1,4 процент ва қурилишда 1,1 процент камайтириш имконини беради.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларида фондлар самарадорлигининг пасайиш суръатларини анча миқдорда—икки баравардан зиёд камайтириш белгиланганлиги, шу жумладан саноатда кўп йиллар мобайнида биринчи марта фондларнинг самарадорлигини бирмунча ўстириш: 1986 йилги пландаги 36,6 тийиндан 37,1 тийингача етказиш (соф маҳсулот бўйича) планлаштирилаётганлиги планнинг интенсивлаш мақсадини кўзлашдан далолат беради.

Корхона ва ташкилотларни икки ва уч сменали иш режимига ўтказиш асосий фондлардан ва қувватлардан фойдаланишни яхшилашнинг ҳал қилувчи омили бўлади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бирга бу тадбир янги қурилишга кетадиган маблағларни тежаш, уларни корхоналарни реконструкция қилишга ва социал соҳани ривожлантиришга сарфлаш имконини беради.

Ишлаб чиқаришни ва унинг самарадорлигини планда белгиланганидек ўстириш, **фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга** асосланади. Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, робот техникаси, автомат-бошқарув системалари янада ривож топади.

(Давоми учинчи бетда).

